

УДК: 9(069)

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲЛАР (АНДИЖОН
ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

Эсонов Олимжон Абдуллајонович¹

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Ўзбек тили, педагогикаси ва жисмоний маданият” кафедраси асистенти

Холисбеков Жалолиддин Камолиддин ўғли²

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
“Агробиология” факультети Агрономия йўналиши 2-курс талабаси

Аннотация: Мақолада муқаддас зиёратгоҳ тушунчаси, Мехмони Валий табаррук зиёратгоҳи, Бувасариқ ота муқаддас қадамжо эканлиги, зиёратгоҳда бажариладигон амаллар, Муқаддас зиёратгоҳларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Муқаддас зиёратгоҳ, Мехмони Валий, Бахрул асрор, Мир Хислат, Амир Абдулборий Дарвеш, Бувасариқ ота, Мозор бува, Боғшамол мавзейси, Харабек қишлоғи.

**SACRED PREMISES IN UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF
ANDIZHAN DISTRICT)**

Esonov Olimjon Abdullaevich¹

Assistant of the department of “Uzbek language, pedagogy and physical culture” of
Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

Kholisbekov Jaloliddin Kamoliddin oglu²

Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies, faculty of Agrobiology, 2nd
year student of Agronomy

Abstract: The article provides interesting information about the concept of the sacred premises, the Mekhmoni Vali, the fact that the Father of Buvasariq is a sacred premise, the activities performed at the shrine, the educational significance of the sacred premise.

Key words: Muqaddas shrine, Mehmoni Vali, Bahrul asror, Mir Khislat, Amir Abdulbori Darvesh, Buvasariq ota, Mazar buva, Bogshamol mawzeysi, Harabek village.

Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижодидан тортиб, бугунги кунда кутибхоналаримиз хазинасида сакланаётган минг-минглаб қўлёзмаларгача бизнинг буюк ма`navий бойлигимиздир. Бунчалик катта ме'росга эга бўлган халқ дунёда камдан –кам топилади.

“Муқаддас жойлар, қадамжолар – диндорлар муқаддас деб ҳисоблайдиган ва сифинадиган жойлар. Булар –пайғамбар, шайх, эшон, авлиёлар номи билан боғлиқ ҳисобланган ва зиёратгоҳга айланиб кетган шаҳар, мақбара, чашма, дараҳт, тепалик, ғор ва бошқадир. Муқаддас жойлар турли динларга э`тиқод қилувчи ҳамма халқларда бор. Бунга Имом Бухорий (Самарқанд вилояти), Баҳоуддин Нақшбанд (Бухоро шаҳри), Занги ота (Тошкент вилояти), Аҳмад Яссавий (Туркистон шаҳри) дафн этилган жойлар ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Исломда Макка ва Мадина, шиаларда, шунингдек, Карбало ва Нажаф шаҳарлари умумий муқаддас жойлар ҳисобланади ва зиёрат қилинади. Ҳиндлар учун Ганг дарёси, христианлар учун Қуддус шаҳри муқаддас саналади. ъ

Авлиёларнинг номлари билан боғлиқ бўлган муқаддас ва қадамжоларнинг ҳар бири ўзининг мавқеи ва вақти, шунингдек, бажариладигон вазифалари, ислом билан қай ёсинда боғлиқлигига кўра бир-биридан фарқ қилгани учун, уларни ислом қарор топганидан кейин мусулмон

либосига ўраглан, “муқаддас” ва “авлиёлар” ёки ислом заминида юзага келган мусулмон авлиёлари, “муқаддас” ва “қадамжой”лар деб, иккига бўлиш мумкин. Бунян кўринадики, исломнинг илк давридаёқ мусулмонларнинг зиёратгоҳлари ислом йўлида шаҳид бўлган зотларнинг мозорлари билан боғлиқ бўлган. Бу мозорлар аксарият ҳолларда «Машҳад» ёки «Шаҳид» мозор номи билан аҳоли ўртасида машхур бўлган.

Мамлакатимиз ҳар бир худуди нафақат табиий иқлими, балки бой тарихий мероси, ўзига хос удумлари, турмуш тарзи, хотто турфа ан'аналари билан бир-бирини асло такрорламайди. Шу боис ҳам бу юртни кўрмок, унинг ҳавосидан нафас олмоқ истагида дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюротган сайёҳлар сони йил сайин кўпаймоқда. Хусусан, туризим соҳасидаги юксак салоҳият, замонавий инфратузилмага эга Андижон вилоятидан маҳаллий ва хорижий меҳмонларнинг қадами узилмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда етти мингдан ортиқ ёдгорлик, шу жумладан, 2500 та ме'морай обида, 2700 тадан ортиқ монументал сан'ат асари давлат муҳофазасига олинган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Андижон вилоятида мингдан ортиқ муқаддас зиёратгоҳлар мавжуд. Биргина вилоятнинг турли худудлари сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида 370 дан зиёд маданий мерос об'ектлари мавжуд эканлиги аниқланди. Ушбу диққатга сазовор жойлар ичида Андижон тумани номи билан боғлиқ табаррук зиёратгоҳлар сони ўндан ортиқни ташкил этади. Муқаддас зиёратгоҳлар сони озчиликни ташкил эцада, аммо, Андижон тумани аҳолисининг ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Уларнинг ҳар бири бамисоли ўтмишнинг ўқилмаган саҳифаси ҳисобланади. Жумладан, “Бувасарик ота”, ”Отчопор ота”, ”Меҳмони Валий”, ”Кечкич ота”, ”Мунчоқ тепа”, ”Дева тепа”, ”Япалоқ тепа” каби тарихий жойлар нафақат Андижон вилоятида балки, Марказий Осиёда ҳам машхурдир.

Мустақилликнинг илк қадамлариданоқ юртимиз чирой оча бошлади. Айниқса, бу йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да ватанимиз, водий сарҳадларимиз, шаҳар-у қишлоқлар янгиланиб, янада кўркамлашиб, ўзига хос гўзал қиёфа касб этиб боряпти. Бундай

кўламдаги ишлар, албатта, бир йилдаёқ амалга ошмай қолмайди, мазкур улкан ўзгаришларга мустақилликнинг илк одимларидаёқ пойдевор қўйилганки, бугун унинг мевасини кўрмоқдамиз. Обдончиликни халқимиз муқаддас жойлардан бошлагани ҳам бежиз бўлмаса керак. Ўтган қисқа давр мобайнида қанча-қанча бобокалонларимиз – тарихий қадирятларимизнинг ижтимоий-ма`навий асосларини ташкил этувчи азизларнинг, мўтабар ҳадисшунос, фикҳ илми даҳолари дафн этилган қадамжолар муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Асрлар қа`ридан ёмғур-у қор остида нураб, оташнафас қуёш та`сирида қақшаб, дарбадар қуш-у лайлаклар маконига айланган мақбаралар қайтадан ҳаётбахшилик касб этди. Мозорлар, қадамжолар обод бўлди.

Республикамиз миқёсида жуда кўп қадамжолар зиёратгоҳ, дам олиш масканларига айланди. Андижон вилоятида ҳам бу йўсингаги жуда кўп хайрли ишларни тилга олиш мумкин. Бобосини муқаддас билган, отасини ҳурмат қилган, онасини эъзозлаган халқ ҳеч кам бўлмаган. Ватан туйғусининг ўқ томирлари ўзи шу эмесми?

Ўтмишимизни авайлаш, тарихий обидаларни эъзозлаш, асориатиқаларни, қолаверса, халқимизнинг буюк ўтмиши, яшаётган ижтимоий ҳаёти ва келажаги билан бевосита боғлиқдир. Бу хусусиятлар миллатимиз ва халқимизнинг миллий қадрияти бўлиб, азалдан уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Ўзбекистон мустақиллика эришгач, аждодларимиздан қолган маданий тарихий меросга эътибор кучайди, тарихий ёдгорликлар давлат назорати остига олинди. Топталган тарихимиз, қутлуғ қадамжолар, ҳатто номлари ҳам унутилаётган обидалар та`мирланди, қайта тикланди. Шу жумладан, Андижон тумани Хортум қишлоғининг мозори, унинг бағридан ўрин олган Мехмони Валий зиёратгоҳи ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, халқ Мехмони Валий деб, аталиб келган зот Афғонистоннинг Балх шаҳридан бўлган машхур тарихчи олим, саёҳатчи-савдогар Маҳмуд ибн Валийдир. У ХВИИ асрда (1611-1612-йиллар) Андижонга келиб, унинг атрофига савдо –сатиқ ишлари билан шуғилланиш билан бирга, бу

ерли аҳолини ўша даврдаги хожагон дарвешлик жамоаси тартиб-қоидаларига ўргатиш ишини олиб борган. Бу ҳақида ул зотнинг қаламига мансуб бўлган “Бахрул асрор” асарида батафсил баён қилиб берилган. Маҳмуд ибн Валий ким эди?

Ул зотнинг отаси Мир Муҳаммад Валий номли олим ва фозил киши бўлиб, асли Наманганинг Косонидан эдилар. Ўша замон вазияти тақазосига кўра, унинг оиласи Косондан Афғонистоннинг Балх шаҳарига бориб қолган. Кейинчалик Шайбонийлардан Пир Муҳаммадхон (1546-1567) ҳукмронлик қилган пайитда унинг саройида китобдорлик мансабига тайинланган эди. У киши ўз замонасининг иқтидорли шоири ва олими бўлиб, Мир Хислат тахаллуси билан ғазаллар ёзган.

Маҳмуд ибн Валийнинг бир акаси Амир Абдулборий Дарвеш киши бўлиб, яхшигина табиб ҳам эди. Маҳмуд ибн Валий яна бир касб – заргарликни ҳам пухта эгалаган эди. У кўп мамлакатларга саёҳатлар қилган, шу жумладан, Фарғона водийсига, Андижонга келиб бир қанча туриб қолди. Бу 1611-1612-йилларга тўғри келади. Маҳмуд ибн Валий халқ орасида ўз иқтидори ва билими билан катта обрў қозонган киши сифатида Меҳмон Валий номини олади. Шу номдаги мозор эса 1620-йилларда у кишининг муҳлислари томонидан ташкил этилган. Юқоридагиларга асосланиб, мозор қадамжо эканлиги ма`лум бўлди.

Ма`лумотларга қараганда Меҳмони Валий XVI аср охири, XVII асрнинг бошларида яшаб ўтган ислом уламосидир. Асли Кошқарлик бўлиб, бу жойга 40 ёшида келиб, шу жойнинг ўзида 50 йил яшаган. Демак, бу зот 90 йил умр кўрган. Улуғлар э`тиборини топиб, ўзи ҳам улуғлик даражасига ва валийлик мақомига етган тарихий шахсdir. Маҳмуд ибн Валийни шу даврда бирга юрган муҳлислари ва шогирдларидан хўжалар, шу жойга келиб, ўрнашиб яшаб, бир маҳаллани ташкил қилишиб, ҳозирги даврга қадар хоъжалар маҳалласи деб, аталиб келинмоқда.

Тезлик билан ўзгарётган дунё қиёфасини олдиндан башорат қилиш мушкул бўлган бир даврда, халқимиз эртанги кунга ишонч билан интилаётган, тўғри танланган тараққиёт йўли илк самараларни қўраётган, янгича тафаккур,

гайрат ва шижаат билан янги авлод вакиллари майдонга кириб келаётган Андижон заминида сайёхларни кенгроқ жалб этиш, миллий урф-одат ва ан`аналаримизни уларга яқиндан таништиришда ма`даний мерос об`ектлари муҳим рўл ўйнайди.

Андижон туманидаги яна бир табаррук зиёратгоҳ “Бувасариқ ота” қадамжоси ҳам диққатга сазовор жой ҳисобланади. Халқ орасида “Мозор бува” деб, аталувчи мазкур қадамжо ҳам ҳозирда халқимизнинг, айниқса аёлларнинг зиёратгоҳига айланган. Қисқа муддат ичиде Бувасариқ отамизнинг ташландик, ҳаробага айланиб улгурган мақбараси қайта та`мирланди. Атрофлари тартибга солиниб, ободонлаштирилди. Унга элтувчи йўлаклар текисланиб, ёnlари гулзорга айлантирилди. Қаровсиз ётган дов-дараҳтлар парваришланиб, чангалзорлар барҳам топгач, инсон меҳрига ташна боғ орамгоҳ масканга айланди.

Андижон шаҳридан 12 км узокликда Харабек қишлоғида жойлашган бу зиёратгоҳга кираверишдаги мозорлар ҳам қишлоқ аҳолисининг беминнат са`й-ҳаракатлари туфайли та`мирланиб, ўзгача бир салобатли савлат тўкиб турибди. Андижон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси “Фуқаролик хизмати бўлими” маданий меърос обьекти Андижон туман “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини “Бувасариқ ота” қабристони ободонлаштириш назоратчи ходимлари ва маҳаллий халқ вакиллари ташаббуси билан айни пайтда бу ерда олиб борилаётган та`мирлаш ишлари мажмууга янги ҳаёт боғишиламоқда. Умуман олганда, Андижон туманида Бувасариқ ота зиёратгоҳига ўхшаш сўлим гўшалар, узоқ ўтмишдан дарак берувчи манзилгоҳлар кўп. Уларнинг ҳақиқий тароватини шу ерга келган кишигина ҳис этиши мумкин. Бу каби муқаддас қадамжолар маҳаллий ва хорижий меҳмонларнинг э`тиборини ўзига жалб этиши табиий ҳисобланади.

ЗИЁРАТГОҲДА БАЖАРИЛАДИГОН АМАЛЛАР

Зиёрат (араб.-бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш) –муқаддас жойларга, мозор ва қабристонларга бориб, муайян расм- русумларни бажариб келиш. Зиёрат маросими одатда қабр тепасида Қур`оннинг айрим суралари (айниқса

Фотиҳа сураси)ни ўқиб, марҳум ҳаққига дуо қилиш, шунингдек хайр-еҳсон, садақа бериш кабилардан иборат. Ислом дини ақидасига кўра, азизавлиёларнинг мақбараларига зиёрат учун борилганда уларнинг руҳларидан мадад сўрашлик, ҳожатлар раво қилиниши, дардларга шифо берилиши, фарзанд ато этилиши каби илтижолар ножоиздир. Чунки, бу каби амалларни рўёбга чиқариш фақат Аллоҳнинг ихтиёридадир. Зиёрат қилинувчилар пайғамбар бўладими, авлиё ёки тариқат шайхи бўладими, улардан нажот сўраш ўрнига ҳақларига дуои хайр қилиш, садақа-еҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринлидир. Исломда шахсга сифиниш ширк саналади. Мұхаммад (с.а.в) ўзларининг бир ҳадиси шарфларида айтганлар: „Сизларга қабристонларни зиёратини таъқиқлаган эдим. Мана, энди қабристонларни зиёрат қилиб турингизлар, зеро у охиратни сизларга эслатади " деб, марҳамат қилганлар.

Охиратни эслаш эса кишини ёвузылкдан узоклаштириб, эзгуликка яқинлаштиради. Демак, қабристонларни зиёрат қилганда у ерда ётган марҳумларни ўйлаб, ундан ҳар ким ўзига ўгит ва ибрат олиши лозим. Зеро, улар ҳам бизлардек бу дунёда яшаганлар, турли амалларни қилиб ўтганлар. Ҳозирда ўша қилмишларига яраша бир қанча Аллоҳнинг ажри ёки уқубатига дохил бўлган ҳолда ётурлар. Бу эса инсонни фикр қилишга ундейди. Қабрларни зиёрат қилганда марҳумлар руҳига бағишлиб, Куръон тиловати ҳамда дуои хайирлар қилинади.

Бугунги қунга келиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги дикқатга сазовор жой - Мехмони Валий зиёратгоҳи Давлат муҳофазасига олинган. Зиёратгоҳни ободонлаштириш назоратчи ҳодими Тошматов Анварбек(1958.05.05)қадамжо ва мозор тўғрисида билганларини ўртоқлашди. Унинг эътироф этишича, бу зиёратгоҳга Ўзбекистоннинг барча худудларидан ҳамда кўшни Тожикистон, Қирғизистон, Қозогистон, эрон ва Арабистон каби кўплаб давлатлардан зиёратчилар ташриф буйрадилар. Маълумотларга қараганда, бу зиёратгоҳ ёнида иссиқ қумлоқер бор бўлиб, тупроғи шифобахш эканлиги туфайли кўплаб касалликларга даво бўлади. Жумладан, рематизм,

артроз, рейно феномени, оёқ, бел, бўғим оғриғи, буйрак ва ўпка шамоллаш каби хасталикларга чалинган инсонлар келиб, дардларига шифо олиб қетадилар.

Тадқиқотлар натижалариға қараганда қумтупроқ таркибида инсон саломатчилиги учун фойдали бўлган макроелементлар ва микроелементлар мавжуд. Айниқса, микроелементлардан Б, Су, Зн, Мг, Со каби бир қанча элементлар бор бўлиб, улар организим учун керакли бўлган бирикмаларни ҳосил қиласди. Бундан ташқари, тупроқ қуёш нурини ўзига ютади ва кучли иссиқлик манбайи ҳисобланади. Иссиқ қум эса инсонда юзага келадиган касаллик белгиларига ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Мехмони Валийнинг мозори 1951-1953-йиллар ўртасида Мамазокир ота томонидан қурилган. 1980-йиллар охирига келиб, мақбара ва қабр қаровсиз ҳолга келиб қолган. Мустақиллик туфайли зиёратгоҳ ободонлаштирилиб, қайта таъмирланиб, дикқатга сазовор муқаддас жойга айланторилди.

Андижон шаҳридан 15 км узоклиқда Боғишмал мавзейсида жойлашган Мехмони Валий муқаддас зиёратгоҳи йилнинг тўрт фаслида зиёратчилар билан гавжум бўлади. Фарзанд умидида Аллоҳдан сўраб келган ёки бирор-бир касаллик туфайли азобланаётган одамлар мақбарани зиёрат қилиб, эҳсон қиласдилар. Аллоҳ розилиги учун номоз ўқиб, дуои хайирлар қилиб, қўйлар сўяди ва эҳсон ошлари тайёрлаб, тарқатадилар. Зиёратгоҳ худудида барча шароидлар яратилган бўлиб, зиёратчилар ўзлари истаган ҳолда диний маросимларни ўтказишлари мумкин. Эркаклар ва аёллар оёғ-бўғимларида оғриқ пайдо бўлгани учун кўплаб маротаба ташриф буйрадилар. Бу зиёратгоҳга келганлардан бири меҳнат фахриси Ашурова Тўлғаной (1939.09.05)оёғ-бўғимларида оғриқ пайдо бўлгани учун 1985-йилларда бу зиёратгоҳга келиб, қумдан шифо топган инсонлардан бири ҳисобланади. Тез орада эса яна соғайиб, юриб келганлигини маълум қилди.

Бувасариқ ота зиёратгоҳига келганлар бу жойга қиласдиган ибодатлари, турли урф-одатлари ва маросимлари бошқа қадамжолардан фарқ қиласди. Бу зиёратгоҳнинг ёнида эрта баҳорда аёллар сешанба кунлари ун элашиб, ош, юпқа, чўзма, холвартай пиширадилар. Даля ва адирларга экин экиш олдидан

эҳсон маросимлари қилиб, Қуръон тиловат ўқийдилар. Бундан ташқари, Бувасариқ ота мозорининг тупроғи шифобахшлиги билан ажралиб туради. Сабаби, тупроқ ўтмишда сариқ касаллиги (гепатит)ни даволашда қўлланилган экан. Шунинг учун бўлса керак, бу жой "Бувасариқ ота " деб ном олган. Қишлоқ нуроний онахони Умарова Офтохоная(1928.09.01) айтишларига қараганда 1948-йилда бу зиёратгоҳни Аллоҳдан фарзанд сўраш ниятида зиёрат қилиб келган. Нияти ижобат бўлиб, бир йилдан сўнг фарзанд кўрганлигини таъкидлаб ўтишди. Бувасариқ ота муқаддас зиёратгоҳи ҳосиятли ва дуо кетган (ижобат бўладиган) табаррук жой бўлиб, неча йиллардан буён халқ ҳаётида катта аҳамиятга эгадир. Бу зиёратгоҳ қишлоқ тарихидан сўзловчи маскан сифатида кўпчилк аҳолининг эътиборини тортган.

Маълумки, азиз-авлиёларнинг мақбараларини, шунингдек, яқинларимизнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш Ислам динида савобли ишлардан саналади. Аммо, бунинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Масалан, азиз-авлиёларнинг мозорига борилганда Каъба атрофини тавоғ қилгандек атрофини айланмасдан, одоб билан бориб, Қуръон тиловат ва дуо қилиб, савобини шу қабр сохибининг рухига бағишилаб, биздан ва авлодларимиздан шу зотлар каби улуғ инсонлар чиқаргин деб, Аллоҳга илтижо қилинади.

ХУЛОСА. МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳар бир зиёрат этувчи киши қабрда ётган авлиё ёки бошқа зотлардан мадад сўраб, ундан ҳожатини чиқаришини талаб қилмайди. Ҳар қандай ҳожатларни раво этишни бевосита фақат Аллоҳнинг ўзидан сўралади. Шунингдек, имкони бўлса қабрнинг бош томонига ўтиб, орқани қиблага қилиб, қабр аҳлига юзма-юз туриб тиловат ва дуо қилиш лозим бўлади. Қабрларнинг устида ўтириш, босиб юриш, шам ёкиш, қабр тошларини ўпиш, қабр рўпарасида номоз ўқиш жоиз эмас. Қабр йўқолмаслиги учун бир белги сифатида унинг устига мўжаз тош ёки тахта қўйиш, уларга номларини ёзиб қўйиш жоиз, аммо, чиқими кўп ва дабдабали қилиб қабр тошлари ўрнатиш

исроф саналади. Маълумки, қабристон зиёрат учун белгиланган муайян бир вақт йўқ, исталган вақтда зиёрат қилиш мумкин. Шариатимизда қабрларга гул ва шунга ўхшаш ўсимликлар экиш яхши амаллардан саналади. Лекин, мевали дараҳтлар экиш уларнинг мевасини истеъмол қилиш, қабристонда чорва молларини ўтлатиш жоиз эмас. Маййит руҳини шод этадиган амаллар:Қуръан ўқиб савобини унинг руҳига бағишлиш, дуои хайирлар қилиш, эҳсон ва садақалар улашиш кабилардир.

Хулоса қилиб айтганда, Андижон туманимизда мустақиллик йилларида бунёд этилган ёки таъмирланган янги зиёратгоҳлар, масжидлар, мадрасалар қуриб битказилди, кўплаб тарихий ёдгорликлар таъмирланди, Ислам дини ривожига ҳисса кўшган ватандошларимиз ҳақида рисолалар ёзилиб, халқимизга тухфа қилинди. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий муқаддас зиёратгоҳлар ва ёдгорликлар замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзода катта маъно мужассам. Зеро, муқаддас зиёратгоҳлар инсон ижтимоий ҳаётини ўзгартирувчи ягона моддий манба ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: "Маънавият", 2008.30-31бет
- 2.Абдулаҳатов.Н, Ҳайдарова.З, Асимов.О, Муқаддас қадамжолар туркумидан "Фарғона", 2009.3-5бет
- 3.Ўзбекистон миллий энсиклопедияси. 4 бўлим З-К "Давлат илмий нашриёти".
Тошкент.2003.12-13бет
- 4.Хусниддинов.З ,Ислом энсиклопедияси "Давлат лимий нашриёти".
Тошкент.2004.333-бет
- 5.Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф.Имон."Камалак". Тошкент.1991
- 6.Махмуд ибн Валий.Море тайн.Ахмедов.Б.А таржимаси.ЎзССР."Фан".

Тошкент.1977.3-10-бет

7.Ахмедов.Б.А Махмуд ибн Вали его труды. ОНУ.1969.62-65 бет

8.Номсиз қўлёзма асар.Шахсий қўлёзмалар архиви.1998.16-бет

9.Абдулаҳатов.Н,Ғозиев.Т,Тўхтабоев.И.Шоҳимардон зиёратгоҳи.

"Фарғона",2009.36-бет

10.Садриддин Салом Бухорий.Табаррук зиёратгоҳлар.

"Ёзувчи".Ташкент.1993

11.Саксонов.Т,Муқаддас жойлар-хурофат ва бидъат ўчоғи.

ЎзССР."Медисина".Ташкент,1984.8бет

12.Интернет маълумотлари:www.ziёуз.com, www.archiv.uz